

Фаргона шаҳри

2022 йил "13" апрель

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Р.Холиқназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Лойиҳачи» деб юритиладиган «O'zbekkommunalloyihaqurilish» ДУК номидан Низом асосида иш кўрувчи бош директори Э.Мухамедалиев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ШНК 1.03.01-16) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

### 1.Шартнома мавзуси

1.1.Лойиҳачи мазкур шартнома шартларига асосан «Фаргона тумани, "Янги аср" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш» объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш (калит остида топшириш) ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлигига доир муаллифлик назоратини ўрнатилган тартибда олиб бориш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойиҳачи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 йил «12» апрель кунги танлов ҳайъатининг №61559 - сонли электрон баёнига асосан жорий нархларда 213 000 000 (Икки юз ўн уч миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланиб, бўнақ тушган кунидан бошлаб 30 кунни ташкил этади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- буюртмачи томонидан ишлар ҳажмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Лойиҳачи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3.Лойиҳачининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва тегишли ҳужжатларга асосланиб бажаради.

3.2. Лойиҳа кидирув ишларида (топосёмкада) барча ер ости муҳандислик тармоқларини кўрсатади, ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли (гидрогеология, геология, электросет, энергонadzорат, СЭОМ, МЧС, автомобил йўллар бошқармаси, газ, экология) барча ташкилотлар билан келишган ҳолда ҳулоса олади, қурилиш монтаж ишлари якунига қадар муаллифлик назоратини олиб боради ҳамда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини "Фаргона сув таъминоти" МЧЖ билан келишиш ва Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

3.3. Буюртмачининг руҳсатсиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.



#### **4. Буюртмачининг мажбуриятлари**

##### **4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:**

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Лойиҳачига тақдим этиш;
- ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатларини кўриб чиқиш ва келишиш, лойиҳани тегишли идоралар билан келишишда амалий ёрдам кўрсатиш;
- шартнома шартларига мувофиқ, белгиланган муддатларда молиялаштириш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Лойиҳачи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

#### **5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Лойиҳачига манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдоридан авансни ўтказди.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

#### **6. Ишларни бажариш**

6.1. Лойиҳачи лойиҳа ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета хужжатлари ҚМҚ, ШНҚ ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойиҳачи лойиҳа-смета хужжатларини белгиланган муддатда ва тасдиқланган Лойиҳа топшириғига мувофиқ, сифатли қилиб ишлаб чиқади.

#### **7. Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Лойиҳачи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги "Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хулосасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги "Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хулосаси олингандан сўнг, Лойиҳачи 3 кун мобайнида лойиҳанинг ишчи хужжатларини 3 нусхада, смета хужжатларини 3 нусхада далолатнома билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни далолатномага имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Лойиҳачи ушбу далолатнома асосида счёт-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қилади. Лойиҳанинг ишчи хужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2. Лойиҳа-смета хужжатларида шартномадан четга чиқишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Лойиҳачини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади.

#### **8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.



## 9. Кафолатлар

9.1. Лойиҳачи: барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар ўрнатилган тартибда бартараф этишни кафолатлайди;

## 10. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Лойиҳачига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди.

10.2. Лойиҳачи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги йўл қўйилган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойиҳачи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши шарт. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, лойиҳа ишларига маблағлар ажратилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Лойиҳачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Лойиҳачи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Лойиҳачини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.6. Буюртмачи бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объекта бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, лойиҳачи олдида мулкӣ жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;



- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

### 12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жавобгар жойлашган ҳудудидаги туманлараро иқтисод суди томонидан кўриб чиқилади.

### 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Лойиҳачи ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Лойиҳачининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

13.3. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

### 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

### 15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

“Лойиҳачи”

“Буюртмачи”	“Лойиҳачи”
<b>“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси</b>	<b>“O‘ZBEKKOMMUNALLOYIHAQURILISH” ДУК</b>
Манзил: Фарғона ш. Б.Марғилоний 143-уй Тел.: 0-373-244-72-04 ШХР: 301110860304017063201110645 ИНН: 305 987 080 ОКОНХ 42210, МФО: 00494, ОКЭД 42210 Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ) ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010 МФО: 00014, ИНН: 201 122 919	Манзил: Тошкент ш. Ниёзбек йули кўчаси, 1 Тел: 71-234-16-07, 71-234-80-82 Ҳ/Р: 2021 0000 8001 0150 0001 Банк: АКИБ «Ипотека банк» Меҳнат филиали ИНН: 201 059 118 ОКОНХ: 66000, МФО: 00423 ОКЭД: 71120 ҚҚС тўловчиси рег.коди: 326030018165
Раҳбар:  Р.Холиқназаров М.У. (имзо)	Бош директор:  Э.А.Мухамедалиев М.У. (имзо)

### Ҳуқуқий ҳулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

юрист  А.Нишонов

юрист  Ш.Элчибаев